

ХАЛҚАРО СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни Бутунжаҳон сузиш федерацияси раҳбари, Осиё Олимпия кенгаши бош директори Хусайн ал-Мусаллам ва Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси биринчи вице-президенти Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Сонийни қабул қилди.



Спорт соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда профессионал ва оммавий спортни ривожлантириш учун шарт-шароитлар

яратишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Учрашув аввалида Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Соний Ўзбекистон етакчисига Қатар Амири Шайх Тамим бин Ҳамад

Ол Сонийнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Ушбу халқаро спорт ташкилотлари билан амалий ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Бутунжаҳон сузиш федерацияси билан шерикликни мустаҳкамлаш, мутахассислар тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистонда сув спорти турлари учун замонавий ва ҳамма-

боп инфратузилма яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда йирик халқаро муСОБАҚАЛАР, Осиё Олимпия кенгаши Ассамблеяси йиғилиши ва Олимпия

қўмиталари ассоциациясининг йирик тадбирларини ўтказиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

МАМЛАКАТИМИЗДА ЭХТИЁЖМАН ОИЛАЛАР АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНИБ, ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Давлат раҳбарига камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва турларини кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд инсонлар алоҳида эътиборга олинди, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. “Камбағал оилалар фаровонлиги сари” дастури асосида бундай оилаларга бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда қўмаклашилмоқда. Шу билан бирга, бу жуда кенг ва узлуксиз жараён бўлиб, доимий такомиллаштиришни тақозо этади. Жумладан, камбағал оилаларни уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қараб, уч тоифада қўллаб-қувватлаш тақлиф қилинмоқда.

Кам таъминланган оилаларга 100 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизмат, ёрдам ва имтиёзлар тақдим этилади. “Камбағал оилалар реестри”га кириштириш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжати даражасида белгиланади. Уларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режалар тасдиқланиб, манзилли хизмат ва ёрдамлар кўрсатилади. Бундай инсонлар бандлигини чекловчи омиллар бартараф этилиб, муайян даромад топишига шароит яратилади.

➤ **Давоми 2-бетда**

КАДАСТР ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ер ҳисобини юритиш ва кадастр хизматини ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳамда келгусидаги вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда 45 миллион гектарга яқин ер майдони бор. 2021 йилгача шундан бор-йўғи 1 миллион гектари давлат рўйхатидан ўтказилган эди. Сўнгги йилларда ягона тизим яратилиб, рақамлаштириш жорий этилган натижасида 42 миллион гектар ер, яъни жами майдонларнинг 94 фоизи рўйхатдан ўтказилди.

кафолатланадиган ягона маълумотлар базаси — UZKAD тизими ишга туширилган. Барча бино ва иншоотлар ҳатловдан ўтказилиб, унга киритилмоқда. Ҳозиргача 150 мингга турар ва 707 мингга нотурар жой, 44 мингга кўп қаватли уй ҳақидаги маълумотлар ушбу янги тизимда акс эттирилган. Яқин-яқингача ўз уйига мулк ҳуқуқи бўлмагани учун миллионлаб фуқаролар қийналиб келарди. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 августдаги “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни бўйича ишлар яқини босқичда. Соҳадаги энг долзарб масала — қўчмас мулк муносабатларини тартибга солиштириш. Шу мақсадда қўчмас мулкларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги давлат томонидан

➤ **Давоми 2-бетда**

“МОТУРИДИЙЛИК — БАҒРИКЕНГЛИК, МЎЪТАДИЛЛИК ВА МАЪРИФАТ ТАЪЛИМОТИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман қатнашчилари, муҳтарам меҳмонлар!

Авалло, сиз, азизларни илм-маърифат ва тараққиётга улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон заминидан, унинг энг қадимий шаҳрларидан бири — азим Самарқандда буюк аллома Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро конференциянинг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Жонажон Ватанимизга, улуғ аллома ва мутафаккирлар юрти бўлган гўзал Самарқанд шаҳрига хуш келибсиз!

“Калом илмининг султони”, “Мусулмонлар этиқодини тузатувчи” деган юксак эътирофларга сазовор бўлган Имом Мотуридий ўрта асрларда — гоғий курашлар авж олган ўта мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳитини кенг очиб берадиган ноёб илмий-маърифий асарлар яратгани, турли зарарли оқимлар ва жаҳолатга қарши мардона кураш олиб боргани, ҳеч шубҳасиз, чинакам маънавий жасорат намунаси.

Буюк ватандошимиз асос солган мотуридийлик мактаби ва таълимоти эса эътиқод борасида асрлар давомида бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат тимсоли бўлиб келаётгани таҳсинга сазовордир.

Бу ўлмас таълимот муқаддас динимизнинг эзгу ғояларини сохталаштириш, улардан

ғаразли мақсадларда фойдаланишга қаратилган бузғунчи ҳаракатлар янги шаклларда давом этаётган бугунги кунда янада долзарб аҳамиятга эга бўлиб бораётганини, сиз, ҳурматли анжуман иштирокчилари албатта яхши тушунасиз ва биз бунга юксак қадраймиз.

Муҳтарам дўстлар! Янги Ўзбекистонда ислом цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаёт йўли ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга ошириломоқда.

Мамлакатимизда Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий каби буюк алломаларимиз номлари билан аталадиган халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида ушбу илмий марказлар томонидан Куръони қарим ва бошқа муқаддас диний манбаларнинг хоржиий фондларда сақланаётган ноёб қўлёзмалари топилиб, уларнинг нусхалари юртимизга олиб келинган, илм ва маърифат ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ зотларнинг қўллаб асарлари Ўзбек тилига таржима қилинганлиги билан

олиб борилаётган ишлар кўламинандалоқ беради. Жумладан, Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” ва “Китоб ат-тавҳид” китоблари илк марта ўзбек тилига таржима қилиниб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилганини таъкидлаш лозим.

Биз халқаро илмий-тадқиқот муассасалари, сизлар каби мусулмон оламида катта нуфузга эга бўлган олимлар билан ҳамкорликда Имом Мотуридийнинг серқирра ҳаёт йўли ва илмий мероси, ушбу таълимотнинг бугунги кундаги аҳамиятини янада чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда Имом Мотуридийнинг 1155 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилиб, бу йўналишда амалга ошириладиган ишлар, жумладан, улуғ мутафаккир бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш, янада обод зияратгоҳга айлантириш бўйича вазифаларни аниқ белгилаб олдик.

Маълумки, 2020 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конференция иштирокчиларининг тақлифи асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган эди.

Бугунги кунда буюк аждодимиз қолдирган бой илмий-маърифий мероснинг аҳамияти

жаҳон миқёсида тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда ушбу Марказнинг мақоми ва нуфузини янада ошириш мақсадида, яқинда имзоланган фармонга мувофиқ, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида қайта ташкил этилганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ушбу марказ Имом Мотуридий ҳазратларининг ислом дини раванқиға қўшган бебаҳо ҳиссаси ва мотуридийлик таълимотини чуқур тадқиқ этишда дунёнинг турли мамлакатларидаги олим ва уламоларни бирлаштирадиган халқаро платформа бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз ҳаётини ана шундай эзгу ишга бағишлаб келаётган сиз, азизларга Имом Мотуридий ва Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан бошқа улуғ алломаларимизнинг бой илмий-диний меросини ўрганиш йўлидаги машаққатли меҳнатингиз, изланиш ва тадқиқотларингиз учун самимий миннатдорлик билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, келгуси фаолиятингизда янги ютуқлар, конференция ишига эса муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ — ХАЛҚЧИЛ ВА АДОЛАТЛИ БОШ ҲУЖЖАТ

Бугун умумхалқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги таҳрирда қабул қилинган референдумга роппа-роса икки йил тўлди.

Бу кун, ҳеч шубҳасиз, дунё конституциявий амалиёти тарихида янги Ўзбекистонда конституциявий ислохотларнинг самараси рўёба чиққан — янгишанган халқчил Конституция маъқулланган сиёсий-ҳуқуқий воқеа — аҳил халқимизнинг қатъий хоҳиш-иродаси ифодаланган, ноёб ва муҳим ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган сана сифатида алоҳида эътироф этилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, янги таҳрирдаги Конституциянинг чинакам ташаббускори ва муаллифи халқимиздир.

Тарихга назар

Замон ва макон чигиринларида синалган конституциялар ҳар бир давлатнинг бош қонуни сифатида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатловчи, ижтимоий тузум негизи, давлат бошқаруvinинг шакли, тузилиши, давлат ҳокимияти органлари ташкил этилиши, ваколат чегаралари ва муносабатлари асослари белгиланган муҳим ҳужжат сифатида шаклланади.

Инсоният кўп асрлар аввал ҳам жамиятда конституцияга монанд бир асосий ҳужжатга доим эҳтиёж сезган. Уша ҳужжатга барча фуқаронинг итоат қилиши, жамият тинчлиги, оқилолчилиги ва раванқининг муҳим шартли деб қаралган.

Мутафаккир Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарига бунга яққол мисол бўла олади. Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз даврида муҳим қўлланма бўлган “Темур тузуклари” да эса давлатнинг сиёсий фаолиятидаги йўл-йўриқлар акс этган.

➤ **Давоми 3-бетда**

Нурли хотиралар
Islasam,
Кўнглим ёришур

Мамлакат ҳеч қачон ўз-ўзидан ривожланиб қолмайди. Айниқса, эндигина мустақилликка эришган, барча жабҳада тараққиёт сари интилаётган давлатларда жамиятнинг умумий савияси, инсонларнинг интеллектуал салоҳияти, айниқса, илмий-ижодий зиёлиларнинг соғий-ҳаракатлари, ижтимоий фаоллиги алоҳида ўрин тутади.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, шарқшунос олим, моҳир педагог ва дипломат, иқтисодиёт фанлари доктори Рустам Собирович Қосимов (1955 — 2021) истиқлолнинг дастлабки йилларидан турли масъул вазифа ва лавозимларда ишлаб, таълим тизимини такомиллаштириш, юксак малакали кадрлар тайёрлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжамиятликни мустаҳкамлаш, диний-маънавий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, кесалар, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга

қаратилган муҳим давлат дастурларини амалга оширишда бой билим ва тажрибаси, юксак салоҳиятини сафарбар этган эди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Рустам Собировични ҳурматлаб, ўзининг энг яқин кўмакчиси, маслаҳатчиси деб билар эди.

Яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу закий ва донишманд инсоннинг ибратли ҳаёт йўли, самарали ижтимоий ва сиёсий фаолияти, бетақор фазилатлари ҳақида замондошлари ва яқин дўстлари, ҳамкасблари ва ишбурдларининг самимий хотираларидан иборат “Рустам Қосимов замондошлари хотирасида” китоби нашрга тайёрланди.

Қуйида маъзур пўлпамдан ўрин олган ёдонлардан бири эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

➤ **Давоми 5-бетда**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ - ХАЛҚЧИЛ ВА АДОЛАТЛИ БОШ ҲУЖЖАТ



Мирзо Улугбек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист



Бошланиш 1-бетда

1-моддасидаги ва 154-моддасининг иккинчи қисмидаги қондалар қайта қўриб чиқилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Бу ўз навбатида, юқорида кўрсатиб ўтилган конституциявий тузумга хос белгиларнинг барқарорлиги ва ўзгармаслигининг ҳуқуқий кафолатидир.

Бу норма ва принциплар Конституция-миздаги миллий давлатчилигимизга хос ҳуқуқий қадриятлардан бири бўлиб, инсон ва ҳуқуқларига олий ҳуқуқий мақом берадиган, барча одамнинг ижтимоий ҳимояси ва қонун олдида тенглигини баробар таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизм вазифасини ўтайди.

Конституцияимизнинг асосий мақсади мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва демократияни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сийсий тизимини белгилашдир. Шу маънода, конституция ижодкорлари ушбу масаланинг мақбул ечимига эришганини кўрамыз.

Бешиндан, унда миллий давлатчили-ни такомиллаштиришнинг янги босқичида конституциявий ривожланишнинг устувор йўналиши сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинлик-лари, миллий ва умуминсоний қадриятларга, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқат, ин-сон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик

Конституцияда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилаши мустаҳкамланди.

Давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш белгиланди. Бунинг учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик, бир-бирини қўлла-б-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиши асос этиди.

Конституцияда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилаши мустаҳкамланди.

яшаш, олдига қўйган олий мақсадларига йўналтирадиган бу каби янги мазмундаги нормалар миқёси ва қамрови яққол кўринади. Масалан, янгиланган Конституциядаги мо-далар сони 128 тадан 155 тага, нормалар эса 275 тадан 434 тага ошган. Бошқача айтганда, асосий қонунимиз матни халқимиз томонидан билдирилган тақдирлар асосида янгиланган ва деярли 65 фоизга ортган.

Конституция ва қонун устуңлиги Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “давлат қонунлар асосида қурилма экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, ҳудрати ва таркиби йўқолади” деган сўзлари бевосита асосий қонунда акс этган муҳим конституциявий прин-цип — Конституция ва қонуннинг устуңлиги деган бобнинг алоҳида ўрнини ва аҳамиятини белгилаб беради.

Дарҳақиқат, замонавий конституциявий назарияда Конституция ва қонун устуворлиги принципини таъминлаш талаби демократик ҳуқуқий давлатнинг бош меъзолидир.

Мехнатқаш халқимиз мамлакатимиздаги тизимли ва дадил ислохотларнинг бош ғоявий муаллифи — давлатимиз раҳбарининг эзгу сазъ-ҳаракатларини юксак қадрлаб, юртимиз тақдирига бирдек масъулмиз, дея кенг қамровли янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишга елкадош, ижросига фаол камарбаста бўлмоқда.

жўрадан тартибга солиши билан ажралиб туради. У давлатнинг сийсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий тизими асосларини белгилаб беради. Ҳуқуқий давлатга хос ушбу принцип орқали Ўзбекистон ҳудудида давлат суверенитети мазму-ни ўзининг юридик ифодасини топган.

Шу бундан мазмун-моҳиятини янада тў-лиқ англаш учун унга Конституциянинг бошқа қондалари билан уйғун қараш лозим. Гарчи Конституция ва қонунлар устуңлиги биргалик-да, ёнма-ён ишлатилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимида уларнинг юридик кучи ва устуңлик даражаси ҳар хил.

Албатта, Конституцияда бундай норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатсиз уни ижро этиш имко-ни бўлмайдиган конституциявий нормалар ҳам мавжуд.

юрдик нормалар тизимида қўллаб катта-ки-чик бўлишлар пайдо бўлиши хавфи туғилади. Шу бундан, агар аниқлаштирувчи норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат ўзи мавжуд бўлмаса, ижро этишни ёки ҳуқуқни қўллашга масъул орган бевосита Конституция асосида зарур қарорни қабул қилиши шарт.

Конституциянинг тўғридан тўғри амал қи-лишида 2023 йил 23 июнь кунини ўз ичига ола-тириб Конституциявий суди пленими томонидан “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилингани ул-кан аҳамият касб этди.

Пленум қарори билан муайян ишда қўл-ланиш зарур бўлган Конституциянинг норма-сида бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинганда, ишни қўлга қаётган судлар Конституция ва тегишли ҳуқуқий муносаба-тларни тартибга солувчи қонунга асосланиши лозимлиги таштирилди.

Тизимли ислохотларнинг юксак самараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясини библисимиз, бунинг учун, аввало, уни ёшлар-га ўқитиши тўғри ташкил этиш, иккинчидан, юртимиздаги ёшув кекса Конституцияга таъбиқ яшашни ҳаётимизнинг бош мезонига айланти-ришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим деб ўйлаймиз.

Янги тахрирдаги Конституция қабул қил-ганидан сўнг давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил 8 май кунини муҳим ҳужжат — “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фар-мон қабул қилинган эди.

Унда Конституцияни амалга оширишга онд қўллаб вазибалар қаторида янги тахрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга оши-риш, Конституцияни ўрганиш бўйича барча таълим турлари ва босқичлардаги ўқув режа ва таълим дастурларини қайта қўриб чиқиш ҳамда уларни янги тахрирдаги Конституция норма ва қондаларига мослаштириш бўйича белгиланган вазибалар мамлакатимизда ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалти-риш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишни назарда тутган эди.

Албатта ўқинг!

Ҷами гайб

("Сўз латофати" китобидан)

Биз ўз миллатимиз номини ўзбек деймиз ва ўзига бек бўлган халқ дея талқин қиламиз. Қозоқлар, ўзбек — ўз оғам, дейди. Бу ҳикматли сўз ўзбеклар ҳам қадимда кўчманчи чорвадор халқ бўлгани, қозоқ билан ёндош поёнсиз яйловларда от сургани учун айтилган бўлса, ажабмас.



МАЪРИФАТ



Буюк аждодларимиз

Мотуридийлик — мўътадиллик мезони

Сўнгги йилларда диний соҳадаги ислохотлар натижасида юртимиздан етишиб чиққан ҳамда дунё илм-фани, маърифати ривожига бебаҳо ҳисса қўшган кўплаб уламоларнинг илмий меросини кенг тадқиқ қилиш имконияти пайдо бўлди. Жорий йил 14 мартда Президентимизнинг "Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши ҳам маънавий ҳаётимизнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Мазкур ҳужжат буюк алломанинг ибратли ҳаёт йўли ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишда катта аҳамиятга эга. Зеро, қарор мотуридийлик таълимотига хос бағрикенглик ва мўътадиллик тамойилларини халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этишга хизмат қилади.



Отабек МУХАММАДИЕВ, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Мотуридий ва Абу Ҳанифа таълимоти кенг ёйилиши таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Унинг "Баён ақидат ал-усул" асари аҳли сунна ақидасини қисқа ва тушунарли шаклда изоҳлаб, "Фиқҳул акбар" асарига шарҳ ёзиш орқали ҳанафий-мотуридий қарашларини кенг тарқатган.

Шу йўналишда фаолият кўрсатган олимлардан яна бири Абул Юсуф Паздавидир. 1100 йилда вафот этган олим ҳам ўз асарларида аҳли сунна вал жамоа тамойилларини ёритган.

Абу Муин Насафий (1115 йилда вафот этган) ҳам мотуридийлик маънавий ривожига катта ҳисса қўшган шахслардан биридир. У Имом Мотуридий гояларини тизимлаштирган ва уни чуқурлаштириб, мотуридийликни асосли ва мустақам ҳаракатга айлантирган. Насафийнинг "Табсиратул адилла", "ат-Тамҳид ли-қоваиди ат-тавҳид" ва "Баҳрул калом" асарлари бу соҳада муҳим ўринга эга.

Насафийнинг шоғирдларидан бири Абу Ҳафс Наҳмиддин Умар Насафий (1142 йилда вафот этган) бўлиб, у "Ақоид рисоласи" асарида мотуридийлик маънавий ақидавий асосларини қисқа, равшан ва тизимли тарзда баён қилган. Насафийнинг бошқа бир шоғирди Алоуддин Самарқандий (1144 йилда вафот этган) эса Имом Мотуридийнинг "Тавбилот ал-Қуръон" тафсирига шарҳ ёзган.

Бу олимларнинг барчаси мотуридийлик маънавий ривожига беқасб ҳисса қўшган ва унинг изчил тарқалиши таъминлашда катта роль ўйнаган.

Мотуридийлик маънавий ислом географик ҳудудининг катта қисмида, хусусан, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Марказий Осиё, Кавказ, Туркияда кенг тарқалган.

Имом Мотуридий ақл ва нақл ўртасида мувозаънатни сақлашни таъминлаган машҳур олимлардан. У "Китоб ат-тавҳид" асарида тақдирга қарши чиқиш ва диний далилларга асосланганини зарурлигини ёзган. Имом Мотуридий ақл ва нақлни динни библиши асосий икки йўли деб эътироф этган. Унинг фикрича, Яратувчининг маъвулчилигини билмиш ва диний манбаларни англаш учун ақл зарур, аммо ақл танқидсиз ваҳиддан устун бўлиши мумкин эмас.

Буюк аждодимиз Аллоҳ — табиат ва Аллоҳ — инсон муносабатларини бошқача талқин қилиб, инсонга ўз амалларида фаолроқ ўрин ажратган. Унинг фикрича, Аллоҳ ҳикмат соҳиб бўлиб, ҳар бир ишда маъно ва ҳикмат бор. Аллоҳ эркин иродага эга ва у ўзининг хоҳлаган нарсаларини амалга оширади.

Имом Мотуридийнинг калом тизимида ақл, маърифат ва ҳикмат асосий тушунчаларидир. Ақл — билмини ривожлантириш воситаси, ҳикмат эса ўрганиш мақсадидир. Инсон ҳикматни излаганида унинг билмини ошади, билмини ошган сари янги ҳикматларни пайдо қилади.

У ўз даврида ақлнинг ишлатмай, фақат нақлга таянганлар билан ҳамда ақлни ваҳиддан устун кўйганлар билан курашган. Ушбу масалада катта ютуқларга эришган ва унинг фикрлари ҳамда баҳолари ислом дунёсининг кенг қисмида эътиборга сазовор бўлган. Унинг илмий етуклиги ва муаммоларни ақл билан ҳал қилиш борасидаги хизматлари ислом илм-фанида катта аҳамият касб этган.

Мотуридий мероси ҳақиқат, илм ва ақлга таянган дунёқарашнинг ёрқин тимсолидир. У каби буюк шайхларга эътибор қаратиш орқалигина ўзлигини англаш ва ёш авлодини тўғри йўлга йўналтириш, радикализм ва экстремизмга қарши маърифий курашиш, ислом оламида мавжуд бўлган турли гоявий қарама-қаршиликларга ечим топиш имконияти пайдо бўлади.

Айниқса, бугунгида инсон онгини эгаллаб бошқаришга уринишлар авж олган даврда Имом Мотуридий каби улуғ аждодларимиз меросига эҳтиёж орғиб бораверган. Янги Ўзбекистоннинг халқпарвар, тинчликсевар сиёсати сабаб бугун ана шундай буюк шахслар ижоди ва илмий мероси халқаро майдонда кенг тарғиб этилаётгани кувонарлидир.

Шунингдек, ҳужжатда ислом динининг ёш авлодини миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинч-товушлик каби асл қадриятлари руҳида тарбиялаш, аҳоли орасида мўътадил ислом гояларини тарғиб қилишга қаратилган илмий ишларини қўллаб-қувватлаш йўллари ҳам белгилаб берилган.

29 апрель куни Самарқанд шаҳрида Абу Мансур Мотуридийнинг 1155 йиллигига бағишланган халқаро конференция иш бошлади. "Мотуридийлик — бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти" мавзусидаги бу нуфузли конференцияга юксак даражада тайёргарлик кўрилди. Халқаро анжуманда юртимизнинг юксак салоҳиятга эга илм соҳиблари билан бирга, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Туркия, Марокаш, Иордания, Италия, Япония, Малайзия, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон каби ўнлаб давлатлардан 70 дан зиёд кўзга кўринган олим иштирок этмоқда.

Мухаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Абу Мутъ Балхий, Ҳаммад ибн Исmoil каби шоғирдлари орқали кенг тарқалган. Абу Юсуф Бағдодда қози этиб тайинлангандан сўнг Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларига юборилган қозилар Абу Ҳанифа таълимотларини кенг тарқатган. Улар мадрасалар очиб, ҳанафий мутакаллим ва фақиҳларни тарбиялашга ҳисса қўшган.

Имом Абу Мансур Мотуридий Самарқанд яқинидаги Мотурид маҳалласида туғилган. У 944 йилда вафот этган ва Самарқанднинг Чоқардиза қабристонига дафн қилинган.

Имом Мотуридий кўплаб асарлар ёзган, аммо уларнинг иккитаси — "Тавбилот ал-Қуръон" (ёки "Тавбилоти аҳли сунна") тафсири ва "Китоб ат-тавҳид" китоблари бизгача етиб келган.

Мотуридий қарашлари ўз даврида керакли даражада қадрланмаган бўлса-да, унинг шоғирдлари ва издошлари орқали машҳур бўлган. Шоғирдларидан

Болалигимизда "мушт кетди" деган ўйинимиз бўларди. Маҳалла болалари бир қаторга тизилиб ўтирардик. Ёши каттароқ, доноргимиз бошловчилик қилар, қаторда биринчи ўтирган боланинг қулугига шивирлаб бир сўз айтарди. У бола эшитган сўзини ёнидаги ўртоғининг қулугига шивирлар, ўртоғи ўртоғига айтиб, ўн-ун беш тилдан ўтгач, охириги бола эшитган сўзини овоз чиқариб айтарди. Бу сўз одатда бошловчи айтганидан тамоман бошқа сўз бўларди. Аслида тошбақа бўлса, охирида мошқичрига айланарди. Маза қилиб қулишарди. Бошловчи ким нима эшитгани, қўшнисига нима деганини бирма-бир сўраб чиқарди. Тошбақанинг қай йўсин мошқичрига айлангани маълум бўларди. Тошбақа — бошқача бўлиб, бошқача мошқачага айланиб, у ҳам мош қачча шаклини олиб, яна уч-тўрт юмалаб мошқичри бўлгани ажиб ҳангома эди.

Ҳалқнинг ўз оғаси бўлган. Қозоқ-чи? Унинг номи қандай пайдо бўлди? Мирзо Бобур ўзининг қувғинда юрган чогларини қозоқ деган сўз билан баён этган: "Андижонга келгандан сўнг Али Дўстининг атовори тамом ўзгача бўлди. Менинг била қозоқликларда ва меҳнатларда бўлган кишилар била ёмон маош қилишга киришди". Қозоқлик ва меҳнат — қочқилик бор. Дон, Кубань казаклари ҳам қозоққа отдош бўлган. Қозоқнинг эрки ўз қўлида бўлганидек, казак ҳам воҳлий казак дейилган. Поляк дала одами, сахаройи дегани. Қипчоқ даштидан Русияга таҳдид солган кўчманчи халқлар ҳам полловецлар, яъни сахаройлар эди. Украина — чекка ер, ўзбек тилида айтсак, қир маъносини билдиради. Бу ўлкада яшаган гайдамаклар ўзимизнинг ҳайдамак сўзимиздан ном олган. Улар ҳам, Болконда озолик учун курашган гайдуклар ҳам қозоққа отдош десак бўлади. Руслар қир деб атаган жами ерни қир десак, адашмаймиз. Айтаверсам, дунёнинг ярми қозоқ бўлиб чиқади.

Атар биров сизга Ўзбекистон, Қозоғистон, ўзбек ва қозоқлар тўхтаган станция деса, албатта, куласиз. Кулманг. Форсча истода ва ситон, инглизча stand ва station, русча становиться ва стан (полевой стан, летний стан), француз тилидан русча орқали бизга етиб келган станция ва казаклар яшайдиган станция — бари бир ўзақдан чиққан. Стан — туриладиган ер, село — ўтириладиган ер. Шу ўринда бир савол: остана сўзи ҳам ситон билан қариндошми? Ундай десак, дўстона, мардона, ошиқона деган сўзларимиз бор. Уларда ўзақ дўст, мард, ошиқ бўлгани каби остонанинг ўзаги ост бўлиши керак. Ахир остона остимизда бўлади-ку! Мабодо сиз бу ишончли, мантиқли гапга ҳўп десангиз... янглишасиз. Шоир сўзи ёлгондир, деган қадимги ибора рост бўлиб чиқади. Остона ҳам ситон ўзагидан. Ситона ва остона бир сўз.

Остонани биз бўсага деб ҳам атаймиз. Бўсага қандай сўздан олинган? Бу саволга шоирона жавоб бундай: Ўпмоққа қўли бермади, остонани мен зор ўпдим, бўсага бўсага ном олмади бекор. Яъни ёр қўлидан ўпмоққа борган ошиқ ниятига етолмай, ёр остонасини ўлиб қайтди. Бўсага аслида бўса учун, бўсага, асл ўзбекча айтсак, бўсага жой демақдир. Сиз бу лутфини тушунасиз ва шоирни ёлгончига чиқармайсиз, деб ишонман. Бўсага асли қандай сўздан олинган? Буни бизга олимларимиз айтсин.

Ситон сўзи аслида санскрит тилидан тарқалган, дейилади. Ҳозир ҳеч ким санскрит тилида гапирмайди. Бу каби умрини тутатган тиллар дунёда қўп. Улар минг-миглаб сўз ва атамалари ўзи билан қаьрга олиб кетган. Бизга сўз қандай шаклда етиб келган бўлса, шундай қабул қиламиз. Одамзодга аён бўлмаган ва аён бўлмас, биргина Тангри таолога маълум сирлар олами илми гайб дейилади. Сўзининг мўъжизавий дунёси ҳам инсон ақли етмас илми гайбдир.

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон халқ шоири



Халқаро анжуман "Имом Мотуридий ва унинг издошлари илмий меросининг ислом илмлари ривожиндаги ўрни", "Мотуридийлик таълимотида умуминсоний қадриятлар талқини", "XXI асрда мотуридийлик таълимотининг аҳамияти" шўбалари кесимида фаолият кўрсатади. Бу шўбалар доирасида иштирокчилар — муфтийлар, илм-фан арбоблари ва илмий тадқиқотчилар ўз маърузалари билан қатнашмоқда.

Мотуридийлик маънавий Имом Абу Мансур Мотуридийнинг ақидавий мавзулардаги қарашлари атрофида шаклланган ва ислом тарихида аҳли сунна вал жамоа деб танилган асосий оқимларнинг бири ҳисобланади.

Бири Ҳаким Самарқандий (953 йилда вафот этган) бўлиб, адолатли ва ҳикматли ҳукмлари учун "ҳаким" унвонини олган. Ҳаким Самарқандийнинг "Ас-саводул Аъзам" асари ўз даврида расмий ақида китоби сифатида қабул қилинган ва мадрасаларда ўқитилган.

Алломаннинг шоғирдларидан яна бири Абул Ҳасан Али ибн Саид Рустуфганий (956 йилда вафот этган) бўлиб, Самарқанд яқинидаги Рустуфган қишлоғида туғилган. У Имом Мотуридий қарашларини қабул қилиб, уларни тарқатган олимлардан ҳисобланади. Яна бир олим Абу Лайс Самарқандий (базми манбаларга кўра, 984 йилда вафот этган) ҳам Имом

Publication information including "Янги Ўзбекистон", "Правда Востока" newspaper details, contact information for Salim Donyerov, and subscription rates for Yuzuz newspaper.